

Қишлоқ фаровонлигини оширишда деҳқон ва фермер хўжаликларининг роли

Эргашев Р.Х.,- ҚМШИ, профессор

Ачилов Ю.,- ҚМШИ, магистрант

Қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг негизида фермер ва деҳқон хўжаликлари туради. Улар мазмун ва моҳияти жиҳатидан қишлоқдаги кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор муносабатларига асосланган мамлакатларда иқтисодиётнинг таянч соҳаси сифатида тан олинган. Бўлар бизнинг мамлакатимиз иқтисодиёти учун ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек “Аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг яна бир муҳим йўналиши шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан шуғулланадиган кишилар сони кўпайтиришдан иборат. Қайд этиш керакки, бу масалада муайян ижобий натижалар қўлга киритилди. Мамлакатимизда қорамолларни аҳолига ва фермер хўжаликларига ким ошди савдолари орқали сотиш, уларга мақсадли ва имтиёзли кредитлар бериш, ветеринария хизмати кўрсатишнинг сифати ва ҳажмини ошириш озуқа билан таъминлаш бўйича самарали механизмлар яратилган. Чорвачиликни ривожлантириш дастурининг ижроси доирасида 2008 йили ким ошди савдоларида 20 минг 300 бош қорамол сотилди. 2009 йилда яна 24 минг 600 бош қорамол сотилиши кўзда тутилмоқда. Агар 2007 йилда қорамол сотиб олиш учун 42,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, 2008 йилда бу рақам 48 миллиард 200 миллион сўмни ташкил этди”¹.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қишлоқ жойларда ҳам етарлича шароит яратилган. Ҳозир республикада фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари сони, йириклаштирилгандан сўнг, 105 мингтани шу жумладан Қашқадарё вилоятида 9,1 мингтани ташкил этди, деҳқон хўжаликлари сони ошиб иқтисодий қудрати яхшиланмоқда.

Бўларнинг сони янада ривож топади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрда “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида” ги эълон қилинган Фармонида бу соҳани ривожлантиришнинг асосий йўллари, амалий чоралари кўрсатиб берилган. 2004 йил 24 декабрда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-

¹Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш-давр талаби. Халқ сўзи, 14.02.2009 й.

тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди. Мазкур фармон ва қарорларда мамлакатимиз истиқболида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий субъект бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини устувор ривожлантириш ва шу асосда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш мақсади кўзда тутилган.

Мамлакат Президентининг 2005 йил 6 ноябрда “2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативларини (шаркатларни) фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорининг эълон қилинганлиги ушбу соҳани ривожлантириш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканлигидан яна бир бор далолат беради.

Фермер хўжаликларига бўлган эътибор, улар сонининг тез суръатлар билан ўсиш имконини берди. (жадвал-1)

Жадвал-1

**Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларининг асосий
кўрсаткичлари**

№	Йиллар	Хўжалик- лар сони	Бирикти- рилган ер майдони, га	Бир хўжаликка тўғри келадиган ер майдони, га	Ишловчи- лар сони, киши	Шу жумла- дан ёллан- ганлар
1	2006	27057	612800	22,6	141000	50055
2	2007	29364	707173	24,1	155151	56148
3	2008	29785	717086	24,1	155949	56440
4	2008 йил 2006 йил га нис- батан, %	110,08	117,17	106,64	110,60	112,76

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжаликларининг сони 2006-2008 йилларда 10,8 % га ошган. Уларга ажратилган ер майдони 17,7 % га кўпайган. Натижада, битта фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони кўпайиб, фермер

хўжаликлари йириклашиб борган. Агар 2006 йил битта фермерга 22,6 га ер майдони тўғри келган бўлса, 2008 йил ҳолатида унинг миқдори 24,1 га. ни ташкил қилган ёки 6,7 % га кўпайган. 2009 йил 1 январ ҳолатида эса 56 гектарни, шу жумладан Қашқадарё вилоятига 87 гектарни ташкил этди.

Вилоятимиз қишлоқларида ҳозирги кунда 29785 фермер хўжаликлари орқали ўз фаровонликларини таъминламоқдалар. Фермер хўжаликларида қарийб 36,6 фоиз ходимлар ёлланган ишчилардир. Бўларнинг сони 2008 йилда 56,4 минг кишини ташкил қилади. Агар уларнинг ҳаммаси ўрта ҳисобда яна биттадан оилани боқадиган бўлса, табиийки, мамлакатимизда яна шунча оила фақат фермер хўжаликлари орқали ўз фаровонликларини оширадилар. Жами шу соҳа бўйича ўз фаровонлигини ошираётган оилалар сони, бизнинг ҳисоб-китоблар бўйича 86225 (29785+56440) тани ташкил қилади.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, ҳозирги пайтда афсуски, кўплаб фермер хўжаликлари фаолиятига турли ноўрин аралашувлар, маъмурий буйруқбозлик ҳолатлари мавжуд. Бўларни инобатга олиб, ЎзР Вазирлар маҳкамаси ва мамлакатимиз Президенти қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва юритишнинг асосий шакли сифатида фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун тегишли чора-тадбирларни кўриб бир қанча фармонлар эълон қилиниб кўпгина қарорлар ҳам қабул ҳам қилди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни молиялашнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган ҳамда молиялашнинг услуб ва шакллари тиклашда, молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжаликларининг мустақиллигини, барча ҳаражатларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қоплашни таъминлайдиган ишончли тизимни шакллантириш вазифаси кўйилган.

Бу эса ўз навбатида, фермер хўжаликларининг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш учун асосий омиллардан бири сифатида майдонга чиқмоқда.

Ҳозирги кунда фермер хўжаликларининг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, фаолиятини эркинлаштириш бўйича ҳам бир қанча йўриқномалар, низомлар тасдиқланди ва амалга киритилди. Чунки оилавий бизнеснинг муҳим йўналишларидан бири бўлган фермер хўжаликларининг ривожланиши мамлакатимиз учун нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Ушбу соҳани ривожлантириш орқали бутун мамлакатимизда оилаларнинг фаровонлигини таъминлаш имконияти яратилади. Зеро, фермер хўжалиги даромади, биринчи галда, ўз оиласини бойитишга, унинг фаровонлигини оширишга қаратилган бўлса, унинг маҳсулоти айни пайтда, мамлакат бозорини истеъмол товарлари билан тўлдиради, унинг экспорт салоҳиятини оширади, валюта тушумини ҳам кўпайтиради. Бу жараёнларда қилинадиган даромадларнинг бир қисми давлат бюджетига солиқ орқали тушиб давлатимизнинг иқтисодий қудратини ҳам юксалтиради. (жадвал-2)

Таъкидлаш лозимки қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқон хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу кўрсаткичларнинг ўсиши қишлоқ жойларда аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига олиб келмоқда. Масалан, 2008 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотининг таркиби бўйича улуши фермер хўжаликларида 38,8 % деҳқон хўжаликларида 60,1 ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида 1,1 % ни ташкил этди.

Умуман олганда, ушбу дастурда кўрсатилган вазифалар бажарилмоқда. Бундай вазифаларни амалга ошириш муҳим таъсирчан чора-тадбирларни ишлаб чиқишини тақозо қилади.

Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ҳолати

№	Маҳсулот-лар номи	Ўлчов бирлиги	Ҳамма тоифадаги хўжаликларда			Шу жумладан: %,								
						Дехқон хўжалигида			Фермер хўжалигида			Бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида		
			2006	2007	2008	2006	2007	2008	2006	2007	2008	2006	2007	2008
1	Пахта	минг тонна	426,0	461,4	449,4	-	-	-	95,3	98,7	99,1	4,7	1,3	0,9
2	Дон	минг тонна	816,6	551,9	902,0	14,1	13,6	13,4	83,4	85,3	85,8	2,5	1,1	0,8
3	Картошка	минг тонна	56,1	64,7	75,4	82,7	84,6	78,7	9,6	14,1	21,3	0,7	1,3	-
4	Сабзавот	минг тонна	193,4	218,5	247,3	71,4	65,3	66,8	27,9	34,4	33,2	0,8	0,3	-
5	Мева	минг тонна	43,9	50,4	55,0	48,3	44,0	45,5	48,7	56,0	54,5	3,0	-	-
6	Узум	минг дона	37,7	43,3	35,2	36,0	32,5	40,0	59,2	67,4	60,0	4,8	0,1	-
7	Полиз	минг дона	49,1	56,5	70,2	59,7	55,4	54,0	38,5	44,6	46,0	1,8	-	-
8	Гўшт (тирик вазнда)	минг тонна	132,4	144,4	158,7	95,5	96,5	96,2	1,2	0,11	0,12	3,3	3,4	3,7
9	Сут	минг тонна	490,3	529,6	575,1	98,1	98,3	98,2	1,3	0,01	0,02	0,6	1,7	1,8
10	Тухум	млн дона	132,1	138,4	156,3	84,9	89,1	89,0	0,2	0,01	0,02	14,9	10,9	11,0
11	Жун	минг тонна	4,2	42,2	46,3	88,5	90,6	91,3	2,4	0,2	0,2	9,1	9,2	8,5
12	Қоракўл тери	минг дона	108,0	112,4	128,2	63,6	66,9	62,5	3,1	0,03	0,03	33,3	33,1	37,5

Президентимиз таъкидлаганидек, - “Ҳозирги босқичда фермерлар томонидан ўзи ишлаб чиқарадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, аввало, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ихтиёрийлик асосида кооперациянинг турли шакллларини яратишга қаратилган таъсирчан механизм ишлаб чиқилиши муҳим аҳамиятга эга”¹. Ҳозиргача фермер хўжаликларини ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини хўл ҳолда сотмоқда. Агар уларни қайта ишлашни йўлга қўйилса, фермерларнинг, мос равишда, оила хўжалигининг даромадларини янада ошган бўлар эди.

Фермер хўжаликларига тегишли шароитларни яратиб бериш учун қишлоқларда ишлаб чиқариш ва бозор инфратўзилмасини ривожлантириш дастури ҳам ишлаб чиқилган.

Фермер хўжаликларига ташкилий-иқтисодий, техник-технологик, молиявий, ҳуқуқий ва меҳнат муносабатларини тартибга солувчи тегишли шароитларни яратиб берилди, шу сабабли қишлоқ жойларда янги иш ўринларини очиш, қишлоққа замонавий технологияларни киритиш, унга жалб этилган оилаларнинг моддий таъминотини яхшилаш орқали қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишга қаратилган.

___¹Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи, 2006 йил 11 феврал.

